Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 31 (5022).
8 ФЕВРАЛЬ 1983 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг 7 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида кўкламги экишга тайёргарлик кўриш ишлари қандай олиб борилаётганлиги тўғрисидаги ахборот тингланди, бу ишларни жадаллаштириш ва энг яхши агротехника муддатларида тугаллаш тадбирлари белгиланди.

Бюро Ўзбекистон ССР савдо министрлигининг 1983—1985 йилларда ёрдамчи хўжаликларда гўшт етиштириш ва уни реализация қилишни анча кўпайтириш борасидаги тадбирларини маъқуллади.

Новгород областига оталиқ ёрдами кўрсатаётган қурилиш ташкилотлари коллективларининг 1982 йил тўртинчи кварталидаги социалистик мусобақаси якунлари чиқарилди. Пудрат ишлари планини 107,4 процент бажарган «Узновгородстрой» трести ғолиб деб топилди.

Бюро шу йил 16—17 февраль кунлари Тошкентда «Етук социализм босқичида СССР халқларининг қардошларча ҳамкорлиги» мавзуидаги Бутуниттифоқ конференциясини ўтказиш тадбирларини ва конференция программасини маъқуллади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлисида театр санъатини янада ривожлантириш ҳамда республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш йўллари белгиланди.

Партия ва ҳукумат қарорларини бажариш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ИШ ВАҚТИ ВА ТРАНСПОРТ

Тошкент донгдор кишиларининг «Бизнинг шаҳримиз — бизнинг фахримиз» чақириғида меҳнат коллективлари, аҳолн, шаҳар турли хизматларининг бирғаликдаги кучи билан ўзининг 2000 йиллик юбилейини кутиб олишга тайёрланаётган пойтахт чиройига янада чирой қўшиш вазифаси қўйилган. Бу ишга барча қаторн транспортчилар ҳам қўшилишлари лозим.

Шаҳримиз йил сайин кенгаймоқда, унинг чеккаларида ҳам кўп қаватли кўркам бинолар қурилмоқда. Булар борган сари саноат зоналаридан узоқда қад ростламоқда. Шу боисдан янги автомагистраллар, йўл ўтказгичлар қурилаётганн, маршрут тармоқларига ўзгартишлар киритилишига қарамай, баъзан бир райондан иккинчисига етиб олиш осон бўлмаяпти. Шунинг учун ҳам бугунги кунда транспорт хўжалигини ривожлантириш масалаларн диққат-эътиборга лойиқ.

Ҳар биримизнинг иш кунимиз пассажир транспортининг бир ёки бир неча турида ишга йўл олишдан бошланади. Агар бнз йўлда ушланиб қолмай, корхона, муассаса, ўқув юртн эшигигача етиб олсак, ишга яхшн кайфият билан киришамиз, кун бўйи баракали меҳнат қиламиз. Автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ҳаракатининг мунтазамлиги ва пухта ишлашн кечки соатларда ҳам муҳим. Бу пайтда юзлаб кишилар уйга, театрларга, кинога шошилаётган бўлишадн. Бир сўз билан айтганда транспортчилар бизнинг иш вақтимиз ва бўш вақтимизнинг тежалиши учун барча ишларни қилишлари керак.

Лекин йўловчилар оқими кўпайган соатларда Юнусобод, Шимолн-Шарқ, Чилонзор, Сергели, Қорақамиш массивларига бориб кўринг. Сиз бекатларда бир хил манзарани кўрасиз. Ўнлаб кишилар транспортни кутиб, асабийлашиб турншади, у келгач эса ҳамма бир-бирини туртқилаб, тиқилинч салонга кирншга, эшикка осилишга интилади, чунки иш сменаси бошланишига оз вақт қолган бўлади. Сир эмаски, пассажирлар бундай йўл босиб ўтганларидан кейин нафасларини ростлаб олишлари, ўзларини тартибга келтиришлари учун яна анчагина қимматли иш вақти йўқотилади.

Мана, мисол учун газетхонларнинг хабарларини келтирамиз. «30, 111-автобуслар ёмон ишлаяпти, 29-маршрутдаги трамвай тиқилинч бўлади, — деб ёзади В. Захарова. — Ишга кечикмаслик учун хусусий машиналарни тўхатишга тўғри келади. Наҳотки, 72, 48-маршрутдаги автобусларнинг Лисунов кўчасидагн 4-кварталда тўхтаб ўтишини йўлга қўйиш мумкин бўлмаса!»

«38, 100-маршрутдаги автобуслар «Марказ-14, 15»даги бекатларда турган пассажирлар ёнидан тез-тез тўхтамай ўтиб кетишади, — деб шикоят қиладн Улуғ Ватан урушн қатнашчиси Б. Степанов. — Натижада шу атрофдаги кварталларда яшовчилар ҳамиша ишга ва ўқишга кечикишади».

«Машиналар оралиғидаги интервални қисқартириш учун, — таклиф қиладн Улуғ Ватан урушн ивалидн Р. Холодков, — аллақачон 10-маршрутдагн троллейбуслар сонини кўпайтириш пайти етди».

Ҳар куни шаҳар кўчаларига 590 та трамвай ва троллейбус, 950 та автобус, 2—3 мингта такси чиқиши керак. Бироқ улардан бир қисми ўз вақтида ремонт қилинмаслиги ва ёмон сақланиши натижасида депода қоладн, бир қисми эса бир неча соат ишлагандан кейин техник нуқсонлар туфайли линиядан чиқиб кетади. Бу ҳаракат интервалининг чўзилиши, жадвалнинг тиқилинч бўлишига олиб келяпти. Моддий-техника базасини тезроқ мустаҳкамланадиган, эпқадор корхоналар депо ва паркларни эҳтиёт қисмлар билан пухтароқ таъминлайдиган, тегишли хизматлар ҳаракатдаги составнинг сақланишн учун яхшироқ шароит яратадиган вақт келмадимикан!

Гап фақат техникадами! Албатта йўқ. Сир эмаски айрим ҳайдовчилар маршрутни анча «фойдали»сига ўзбошимчалик билан ўзгартиришадн, графикка тушиб олиш учун бекатлардан тўхтамай ўтиб кетишади, ҳеч қандай рухсатсиз тушлик танаффусни чўзиб юборишади. Кўриниб турибдики, бунда улар охир-оқибатда соатларни ташкил этувчи йўқотилган ишчи минутлари тўғрисида ўйлаб-нетиб ўтиришмайдн.

«12 январь куни, — деб ёзишадн газетхонлар Иванова, Муртазоева, Шитовалар, — биз «Чилонзор» метро станцияси яқинида 78-маршрутдаги автобусни узоқ кутдик. Бир пайт «кираташ» [№ 15—30, 7-автопарк] келиб қолдн. Унинг ҳайдовчиси пассажирлардан 10 тийинлан йиғиб олдн. Йўловчилар оқими кўпайган пайтда бу бекатдан Чилонзорга бошқача йўл билан кетиш қийин. Холбуки, бу ердан 79, 50, 54-маршрутлар ўтади.

«Ҳозир коллективларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун кураш олиб бориляпти, — деб хабар қилишадн Ўзбекистон ССР Республика ҳисоблаш маркази ва марказий статистика бошқармаси ходимларн Маричева, Радэн, Курлицкая ва бошқалар, — лекин уни транспорт ишини яхшилашдан бошламоқ керак. Масалан, 6 январь куни соат 8 дан 30 минут ўтганда «Маданият институти» бекати ёнидан иккита троллейбус ғизиллаб ўтиб кетди. Бирида озгина пассажирлар бўлиб, иккинчиси [№ 30, 56] бутунлай бўш эди. Натижада бнз ишга кечикдик».

Нега энди трамвай-троллейбус бошқармаси, «Главташпассавтотранс» раҳбарлари, халқ депутатлари Советлари бундай фактларни эътиборсиз қолдиришяпти, шаҳарликларга транспорт хизматн кўрсатишни яхшилаш учун таъсирчан чоралар кўришмаяпти! Газетхонларнинг хатларида келтирилган фактлар транспортчиларнинг айрим коллективларида меҳнат интизоми кўнгилдагидек эмаслигидан дарак беради. Ахир барча коллективларда юксак ўзаро талабчанлик ва масъулият, меҳнатнинг аниқ ташкил этилиши ва ҳар қандай бузилишларга муросасизлик муҳитн вужудга келтирилиши даркор. Сусткаш ходимларга нисбатан жамоатчилик таъсири чораларини активроқ қўллаш керак — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги қарорида шу ҳақда гапирилган.

Муассасаларга қарашли автобусларнинг кенгроқ жалб этилиши, марказий диспетчерлик станцнясининг ташкил этилиши, илғорлар тажрибасининг кенг ёйилиши пассажирлар ташишни сезиларли даражада яхшилаш, транспортнинг барча турларн ишини ишончли йўлга қўйишни таъминлашга ёрдам беради. Бошланган ишни ўз оқимига ташлаб қўймаслик керак. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг қаттиқ назорати, коллективларнинг ҳаракат мунтазамлигини яхшилаш, ремонт ишлари сифатини ошириш, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш борасидаги мунтазам кураш кутилган натижани беради. Бунда кўп нарса ташаббускорликка, ташкилотчилик даражасига, кишиларнинг эҳтнёжларига бўлган эътиборга боғлиқ.

Пассажир транспорти ҳайдовчисининг меҳнати енгил эмас. Лекин топширилган ишга тўла масъулият билан ёндашиш, автобуслар, трамвайлар, троллейбусларнинг ишончли ҳаракатини таъминлаш — конкрет инсон тўғрисида конкрет гамхўрлик кўрсатиш лозим.

●

Редакцияга хатлар келиб туришди. Уларда пассажир транспортининг у ёки бу маршрутлари иши юзасидан ҳаққоний эътирозлар билдириляпти, маршрут линияларига тузатишлар киритиш тўғрисида таклифлар билдирилятн. Газетхонлар истаклари билдирилган подборкани газетанинг иккинчи саҳифасида ўқинг.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЗАФАРЛАРИМИЗ — ПОЙТАХТ ЮБИЛЕЙИГА!

Ишчилар

МЕҲНАТ СОВҒАСИНИ ТАЙЁРЛАШМОҚДА

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг трансмиссия цехидан Геннадий Мараров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг ҳар бир ишчиси беш йиллик бошидагига нисбатан учдан бир баравар кўп маҳсулот беради.

Ёш коммунист Г. Мараров машинасозлик техникумини ишлаб чиқаришдан ажаралмаган ҳолда битириб келган тажрибали мутахассис сифатида тракторсозлар коллективида машҳурдир. У ўз тингловчиларига таълим бериш программасида ҳар бир ишчининг икки-уч турдош касбни эгаллашини ҳамда ягона наряд асосида ишлашнинг илғор усулига ўтишни кўзда тутди. Ўқув планининг бажарилиши станоқчиларга хизмат зонасини кенгайтиришга, коллективда меҳнат унумдорлигини оширишга, меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлашга имкон берди. Бригада ҳар куни трансмиссиялар учун юзта вал ўрнига 130 та ва ундан кўпроқ вални ишлаб чиқармоқда. Бу эса малакали ишчилардан уч кишининг қолоқ участкаларга ёрдам бериш учун ўтишига имкон берди. Комсомол-ёшлар коллективи корхонада биринчилар қаторида беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун мусобақага қўшилиб, ҳозир даёқ уч йиллик топшириқни бажариб бўлди.

Г. Мараров бригадаси Тошкентнинг икки минг йиллигини ишлаб чиқаришда янгидан-янги ютуқлар билан кутиб олишга даъват этган Ўзбекистон пойтахти ишчи ёшларининг ташаббусини актив қўллаб-қувватлади. Ёш трактторсозлар юксак уюшқоқлик ва интизом, ҳар бир иш ўрнида намунали тартиб ўрнатиш йўли билан ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йили топшириғини пойтахт юбилейигача бажаришга азму қарор қилишган. Улар белгиланган марра сари ишонч билан бормоқдалар.

А. ЗАКОВРЯШИН,
ЎзТАГ мухбири.

Қурувчилар

УЙ МУБОРАК

153-трестнинг 39-қурилиш бошқармаси қарашли Гайдани Зайнутдинов ва Раҳим Зиёев бошлиқ комплекслашган бригада бунёдкорлари ўтган йилнинг июнь ойида Ҳ. Абдуллаев кўчасида 48 квартирали турай жой биносини қуришга киришган эдилар. Улар ўтган ярим йил мобайнида бинони лойиҳа кўринишига чиқардилар ва уни куни кеча ҳамшаҳарларимизга тақдим этдилар. Янги уй қурилишида дурадгорлар Ю. Ларионов, Р. Шамсутдинов, электропайвандчи Г. Абакумов, ғишт терувчилар И. Кожов, М. Дадашовлар алоҳида шижоаткорлик кўрсатдилар. Бинонинг пардозини «Пардозлаш» трестига қарашли 34-қурилиш бошқармаси сайқалчилари сифатли амалга оширдилар. Барча қулайликларга эга бўлган замонавий уйга ҳамшаҳарларимиз кўчиб ўтмоқдалар. Зарбдор бинокорлар эса москваликларнинг ташаббусига қўшилиб, бошқа объектда иш бошлаб юбордилар.

— Мақсадимиз, — дейди бригадир Раҳим Зиёев,— ҳамшаҳарларимизга қўплаб сифатли турар жой бинолари қуриб беришдир. Бригадамиз тошкентлик илғор меҳнат коллективларининг «Йиллик план — Тошкентнинг 2000 йиллигига» ташаббусини қўллаб-қувватлаб, эзгу ният билан меҳнат қиляпти.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

Олимлар

ЯНГИ ҚОПЛАМА

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти саноат ва граждан қурилиши факультетининг қурилиш конструкциялари кафедраси лабораториясида Ваҳобжон Тўлабоев бошчилигида янги, арзон, узоқ муддатга чидамли ер ости қурилиш конструкцияларини емиришдан, занглашдан— коррозиядан сақловчи янги қоплама материал яратилди. Бу қурилиш материали нефть маҳсулотларидан қатиқ парафин ажратиб олишдан кейин ҳосил бўладиган чиқинди асосида тайёрланади. Янги материал намга, шўрга, кислоталарга чидамлилиги, арзонлиги билан қурилиш ташкилотлари коллективларининг диққат-эътиборини тортмоқда. Тошкентликлар яратган изоляция материали Минск метроси қурилишида, Андижондаги 24-трестга қарашли биноларнинг пойдеворини, «Тунганирстрой» трестига қарашли сув иншоотлари пойдеворини изоляция қилишда муваффақиятли ишлатилмоқда.

Бутуниттифоқ нефтни қайта ишлаш саноати бирлашмасининг маълумотига қараганда, ана шундай чиқинди ўнлаб заводларда суткасига 100 тонналаб чиқариб ташланар экан. Агар улардан шу тарзда фойдаланилса, яъни қоплама тайёрланса, йиллик соф фойда 10 миллион сўмдан ошади. Бу материалнинг яна бир афзаллиги шундаки, чиқинди шу заводларнинг ўзида йиғма-қоплама плиталар сифатида тайёрланиб, қурилиш ташкилотларига етказиб берилиши мумкин.

М. УБАЙДУЛЛАЕВА.

Маҳалла аҳли

ЮБИЛЕЙГА — ГУЛ КЎЧАТЛАРИ

Акмал Икромов райониДаги Ульянов номли маҳалла аҳолиси Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейини 10 минг туп гул, мевали ва манзарали дарахтлар экиб муносиб кутиб олишга аҳд қилди.

Маҳалла аҳолисининг бу ташаббусини пенсионерлардан Аброр Қодиров, Муҳаммадали Парпиев, Салдирхўжа Нуъмонов, ҳаҳрамон она Карима Олимова, ҳамшира Вазира Ғафурова, ўқитувчи Мадина Исмоилова ва бошқалар қизғин маъқуллашди.

С. ҒАФУРОВ.

ТАШАББУС ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА



ИНТИЗОМ ВА МЕҲНАТ ИТТИФОҚИ

● «ГЕОЛОГОРАЗВЕДКА» ЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ САФИ УСМОҚДА. ● КАБИР БОЛТАБОЕВ БРИГАДАСИ ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТ ОЛДИ. ● КОЛЛЕКТИВ ЙИЛЛИК ПЛАННИ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ ЮБИЛЕЙИГА БАЖАРИШГА АҲД ҚИЛДИ.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Москва станоксозлари билан учрашуви «Геологоразведка» тажриба экспериментал заводи ишлаб чиқарувчиларини ғоят қизиқтирди. Чунки бу ерда гап меҳнат интизомини чинакамига мустаҳкамлаш, ишда юксак натижаларга эришиш воситаси сифатида ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш ҳақида боради. «Бизга ишлаб чиқаришни олға силжитадиган онгли ишчи интизоми керак», деб таъкидлашяпти ишчилар.

Кабир Болтабоев бошлиқ ишлаб чиқариш бригадаси ана шундай шиор остида ишлаяпти. Коллектив мураккаб технология бўйича геология ва кидирув ишлари бўйича мўлжалланган тог-бурғалаш ускуналарини йиғади. Бу ерда элеваторлар — қувурларни қудуқ ичига туширадиган ва кўтарадиган кучли агрегатлар тайёрланади. Участкада ерни пармалаш пайтида узилган ёки синган қувурларни чиқариб олишда ишлатиладиган узеллар ҳам йиғилади.

Бу буюмларни тайёрлаш мураккаб, катта маҳорат, кўникмани талаб этади, юксак суръат билан ишлаган ҳолда юқори сифатда иш бажаришни тақозо этади.

Участкада икки бригада ишлайди. Мусобақада Кабир Болтабоев бригадаси пешқадамлик қиляпти. Бу ерда меҳнат интизоми юқори, кадрлар қўнимсизлиги йўқ. Ўн йилдирки бу коллектив ўзгармайди.

— Меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг эски формаси дуруст эди, — дейди К. Болтабоев, — лекин бригада меҳнат унумдорлигида етарли чўққига чиқолмади. 1980 йилнинг январь ойида биз заводда биринчи бўлиб меҳнатда иштироки коэффициентини ҳисобга олиб ҳақ тўлашнинг янги системасига ўтдик. Натижаси кутилгандан яхши бўлди: меҳнат унумдорлиги ўсди, маҳсулот ишлаб чиқариш икки баравар кўпайди, бригада аъзоларининг ишдан манфаатдорлиги ортди, бекор туриб қолиш ҳолларига чек қўйилди. Бундан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирмаган ҳолда бригададан икки кишини бошқа ишга ўтказиш имкони туғилди. Участкада йирик бригадалар ташкил этилиши беш йилликнинг учинчи йилида биз учун қўшимча резервдир.

Тажрибали ишлаб чиқариш командири таъкидлашича, бир хил технологиядаги ишни бажарувчи иккита майда бригаданинг қўшилиши меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини яхшилаш имконини беради.

Бошқа резервлар ҳам бор. Шулардан бири ишчилар томонидан ўхшаш касбларни эгаллаш, малака ошириш, бир-бирини ўрнида ишлаш, ҳар қандай станоклар, ускуналарни бошқара билиш, бундан ташқари тайёрланаётган ускуналарнинг техник характеристикаси ва тузилишини билиш, иш вақтининг бекор ўтишини кескин камайтиришдан иборат.

К. Болтабоев бригадаси заводдаги мусобақанинг тан олинган пешқадамидир. Коллектив ўтган йили меҳнат беллашувида қайта-қайта биринчиликни олиб, мукофотга сазовор бўлди. Бригадирнинг ўзи ўтган йилнинг охирида шахсий, ўн биринчи беш йиллик планини бажарди ва бугунги кунда 1986 йилнинг март ойи ҳисобига ишлаяпти.

Яқинда корхонада Собир Раҳимов райони меҳнат, ўқиш, маданият ва спорт эстафетасини топшириш бўлиб ўтди. «Геологоразведка» ишчилари тантанали суръатда эстафетани «Тошкент» мармар бирлашмаси коллективига топширишди. К. Болтабоев бригадасини шарафлашди. У «Ўн биринчи беш йилликдаги социалистик мусобақа ғолиби» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Илғор бригада корхонада биринчилардан бўлиб шаҳардаги илғор ишчиларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, бутун составн билан «Тошкентнинг 2000 йиллигини муносиб кутиб оламиз» шиори остидаги мусобақага қўшилишди, йиллик топшириқни шонли санага бажаришга ваъда беришди.

Бригадада прогулчилар ва ишга кечикиб келувчилар йўқ. Ишчи ўз иш кунини олдиндан планлаштиради, зарур асбоблар, материаллар тайёрлаб қўяди, шу туфайли энг юксак унумдорликка эришиляпти.

Корхонадаги кўпгина коллективлар илғорлардан ибрат олишяпти. Жумладан, Н. Плотников, В. Эйрих, А. Рискаль бригадалари йиллик планни Ўзбекистон пойтахти юбилейига бажаришга ваъда беришди. Заводнинг юздан ортиқ ишчиси шаҳарнинг 2000 йиллигига беш йилликнинг учинчи йили шахсий топшириғини бажаришга қарор қилди.

Н. КОЗИНСКИЙ,
слесарь, «Тошкент оқшоми» штатсиз мухбири.

* * *

СУРАТДА: «Геологоразведка» заводи механика цехининг илғор бригадаси (чапдан-ўнгга): Қумри Миралиева, Сергей Ухин, Геннадий Фрошгейзер, бригада бошлиғи Кабир Болтабоев.

М. Нуриддинов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИДА

ШЕЪРИЯТ МУҲОКАМАСИ

7 февраль куни Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида 1982 йил шеърияти муҳокамаси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи поэзия кенгашининг раиси, ёзувчи Мирмуҳсин очди. Ўтган йили яратилган шеърлар ҳақида шоира Гулчеҳра Жўраева, дастонлар ҳақида эса адабиётшунос Наим Каримовлар доклад қилишди. Докладчилар ва музокарада сўзга чиққан Ўзбекистон ССР халқ шоири Шукрулло, Жуманиёз Жабборов, Ҳусниддин Шарипов, Сайёр, Ҳуснкин Воҳидов, Усмон Азимов шеъриятимизнинг бугунги кундаги асосий тенденциялари, унинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида атрофлича фикр юритишди. Шеърият муҳокамасида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маданият бўлими инструктори Пирмат Шермуҳамедов иштирок этишди.

тонгги газеталарда

● 7 февраль куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида давлат мукофотларини тантанали вазиятда топшириш маросими бўлди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Н. Набиева Октябрь Революцияси ордени, халқ хўжалик илғорларидан, маданият арбобларидан катта бир группасига Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Халқлар Дўстлиги, «Ҳурмат Белгиси», иккинчи ва учинчи даража «Меҳнат Шуҳрати» орденлари, СССР медаллари, республиканинг фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисида гувоҳномалар ва кўкракка тақиладиган тегишли нишонлар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Юксак давлат мукофотларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев топширди.

● «Мараббийчиликка —партиявий гамхўрлик» —«Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ХОШИМИН.** Вьетнам жанубида қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуриш жараёни актив давом этмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатнинг шоли етиштириладиган асосий майдони бўлган Меконг дельтаси вилоятларида қарийб 200 та қишлоқ хўжалик кооперативи, салкам 10 мингта ишлаб чиқариш бригадаси ва ерни биргаликда ишлайдиган шунча ширкат бор.

Хаузянг, Кьензянг ва Миньхай вилоятларида кооперативлаштириш ишларининг асосий майдони ҳисобланган Меконг дельтасининг вилоятларида қарийб 200 та қишлоқ хўжалик кооперативи, салкам 10 мингта ишлаб чиқариш бригадаси ва қишлоқлар бригалидаги механизаторлар ва чорвадорларнинг ҳаммаси деярли кооперативга аъзо бўлган. Бу ерда ишлаётган 1 миллионга яқин деҳқоннинг 90 процентдан кўпроғи кооперативга аъзо бўлган.

● САН-ФРАНЦИСКО. АҚШ Демократик партиясининг таниқли вакили, собиқ вице-президенти Уольтер Мондейл ҳозирги, республикачилар маъмуриятининг қувғинга учратиришдан иборат милитаристик сиёсатини кескин танқид қилиб, ядровий қурол-яроғлар устидан контроллик қилиш тўғрисидаги битимга эришиш зарурлигини таъкидлади.

У бу ерда гапириб, Вашингтоннинг ҳарбий мақсадларга маблағларини ошираётганлиги миллий экономикага путур етказди, деб уқтириб ўтди.

● **ВЬЕНТЬЯН. Янгин чорвачилик хўжаликларини қуриш — Лаос чорвачилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Булар орасида яқинда Сианг-куанг вилоятида ташкил этилган «Латсен» давлат хўжалиги бор. Ўтган йил мобайнида мазкур давлат хўжалигида қора мол туёғи 13 процент кўпайди. Ҳозир мамлакатнинг кўпгина вилоятларида ана шундай илғор хўжаликлар ташкил этилмоқда. Бу хўжаликларда ем-хашак тайёрлаш ва ундан фойдаланиш илғор методлари жорий этилмоқда, яна сермаҳсул зотли чорва молларини етиштириш устида катта иш олиб борилмоқда, миллий чорвадор, механизатор кадрлар тайёрланмоқда.**

● БРЮССЕЛЬ. «Умумий бозор» мамлакатларида ўтган йили кўмир қазиб чиқариш ҳажми 1,8 процент қисқариб, 1970 йилдаги 300 миллион тонна ўрнига 241 миллион тоннани ташкил этди. Бу ерда эълон қилинган маълумотларга кўра, ўтган йили кўмир қазиб чиқариш Ирландияда (11 процент), Францияда (9 процент) айниқса камайиб кетган.

● **РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Швеция «СаабэСкания» автомобиль компаниясининг Бразилиядаги филиали ишчиларидан 1500 киши забастовка эълон қилди. Забастовкачилар тўхтовсиз ишдан бўшатишларга қарши норозилик билдирмоқдалар. Фирма ишчи ва хизматчиларининг касаба союзи раҳбарлиги корхона эгалари меҳнаткашларнинг талабларини қондирмагунича улар нурашнн давом эттиришга аҳд қилганликларини билдирди.**

● ТОКИО. Япония экспорти 13 ойдан буён қисқариб бормоқда. Молия министрлиги эълон қилган маълумотларга мувофиқ, январь ойида мамлакат экспорти ўтган йилнинг шу ойидагига нисбатан 5,1 процент камайган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, капиталистик мамлакатларда иқтисодий кризиснинг чуқурлашганлиги ва АҚШ ҳамда ғарбий Европада Япония товарларига нисбатан протекционистик тенденция кучайганлиги бунга сабаб бўлмоқда.

(ТАСС).

ШАҲАРДА НАМУНАЛИ ЖАМОАТ ТАРТИБИ БЎЛСИН

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЖАМИЯТГА ЗИД КЎРИНИШЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР, ҲУКУВ ЮРТЛАРИ, ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ ВА ТУРАР ЖОЙ ОРГАНЛАРИ МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ВАКИЛЛАРИ АКТИВИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИ ВА АҲОЛИСИГА

МУРОЖААТИ

Шу кунларда Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари, Совет давлатининг шонли юбилейи —СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги жўш урдирган катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида яшаб, меҳнат қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларида баён этилган қонда ва хулосалар совет кишиларини шунга аниқ йўллайдики, олға томон ҳаракатимизнинг ҳал қилувчи кучи инсон, унинг ўз ишига масъулият билан қараши, актив гражданлик позициясидир. Ана шу талаблар асосида ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, жамиятга зид кўринишларга барҳам бериш, уни туғдираётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш алоҳида жиддийлик ва актуаллик касб этмоқда. Айрим коллективларда юксак маънавий ахлоқ намуналари, онглилик ва уюшқоқлик билан бир қаторда юлғичлик ва ўзинигина ўйлаш, ўғрилик ва ичкиликбозлик, қилинмаган ишни қилинди деб ёзиш, кўзбўямачилик ва бошқа тартиб бузилишлари ҳам оз эмас.

Аҳоли турар жойларида ҳамон коммунистик аҳлоқимизга зид бўлган кўринишлар учраб турибди, у кишилар турмушига суқулмоқда. Афсуски, безорилик, текинхўрлик, социалистик турмуш нормаларини бошқа хил бузишларга барҳам берилган эмас.

Шаҳар меҳнаткашлари бундай салбий кўринишларга тоқат қилаолмайдилар. уларга барҳам бериш бўйича курашни кучайтиришни қатъий талаб қилмоқдалар. Бу ишда меҳнат коллективлари, турар жой, жамоатчилик ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг куч-ғайратини янада узвий бирлаштириш зарур. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, Тошкентдаги «Средазкабель», «Ўзбексельмаш», «Таштекстильмаш» ишлаб чиқариш техника бирлашмалари, «Миконд», қуёш тўсқич мосламалари заводлари, «Главташпассавтотранс»нинг 2-автокомбинати, «Главташкентстрой»нинг 153, 159 қурилиш трестлари коллективлари, Акмал Икромов районидаги 47, Чилонзор районидаги 5, Киров районидаги 28, Собир Раҳимов районидаги 50-турар жойлардан фойдаланиш участкалари, Ленин, Собир Раҳимов, Фрунзе, Ҳамза, Куйбишев район Советлари ижроия комитетларининг ички ишлар бўлимлари ва бошқа бир қатор корхона, муассаса, турар жой ташкилотлари коллективлари ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш ва жамиятга зид кўринишларга қарши курашни кучайтиришга қаратилган муҳим ташаббус билан чиқдилар. Бу коллективлар тартиб бузилишлари олдини олиш ишларини қатъий яхшилаш, жамиятга зид ҳатти-ҳаракатлар қилган шахсларга нисбатан амалий чоралар кўриш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқишди.

Актив йиғилиши қатнашчилари бу муҳим ташаббусни якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар ва пойтахтнинг барча меҳнаткашлари ҳамда аҳолисига шаҳарда намунали жамоат тартибини таъминлаш, қонунга ва социалистик турмуш қоидаларига оғишмай риоя қилиш ҳаракатига қўшилишга даъват қиладилар.

Тартиб бузишларининг олдини олишда асосий йўналиш жамиятимизнинг муҳим ячейкаси ҳисобланган —меҳнат коллективларида бу ишни кучайтиришдан иборат бўлмоғи керак. Ишчи ва хизматчилар, ўқувчилар ўртасида жиноят ва бошқа тартиб бузилишлари ҳоллари рўй бермаслигига эришмоқ зарур. Маънавий поклик, юксак аҳлоқ, совет қонунларига қатъий риоя қилиш намуналарини энг авало раҳбарлар, коммунистлар ва комсомоллар кўрсатишлари керак.

Халқ мулкини асрашни таъминлаш масалалари ҳар бир меҳнат коллективи диққат-марказида турмоғи керак. Социалистик мулк давлатимизнинг асоси ҳисобланади, у мукаддас ва дахлсиздир. Биронта ҳам корхонада талон-тарожликка, ҳатто «майда» юлғичликка ўрин бўлмаслиги керак. Давлат ва халқ ҳисобига бойишга ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган.

Ҳуқуқ-тартиботи ва уюшқоқлик, совет қонунларига ва социалистик турмуш қоидаларига риоя қилишга онгли муносабатни аҳоли турар жойларида янада активроқ қарор топтириш лозим. Пойтахтнинг ҳар бир микрорайонини фақат ташқи жиҳатдангина намунали қилиб ва ободонлаштирибгина қолмай, маънавий иқлим бўйича ҳам намунали қилиш ҳаракатини кенг авж олдириш керак.

Кўча, хиёбон ва бошқа жамоат жойларида зарур тартибни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор бермоқ керак. Ана шу мақсадга ҳамма жойда дружиначилар патруллигини, ҳовли ва турар жой подъездларида эса аҳолининг навбатчилик қилишини ташкил этиш лозим.

Айрим гражданларнинг меҳнатдан бўйин товлаши, текинхўрлик билан кун кечириши ҳоллари шаҳарликларни ҳаққоний равишда ғазаблантирмоқда. Ғоят қисқа муддат ичида уларни ишлашга мажбур қилиш керак. Агар ишлашни хоҳламаса қонунга мувофиқ уларни жавобгарликка тортмоқ керак.

Ичкиликбозлик ҳуқуқ-тартиботнинг энг ёвуз душманидир. У турли тартиб бузилишлари содир бўлишига, демак кўплаб жиноятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу ёвуз душманни йўқотишда ичкиликбозларга қарши жамоатчилик ва ҳуқуқ таъсирининг қўшимча қаттиқ чораларини қўллаймиз.

Балоғатга етмаганлар билан индивидуал тарбиявий ва профилактик иш олиб боришга муттасил эътибор берамиз. Ҳар бир мактаб, ҳунар-техника билим юрти, техникумни ўсмирлар билан тарбиявий иш олиб бориш ва уларнинг аниқ мақсадга қаратилган дам олишини ташкил этиш марказига айлантирамиз. Ҳар бир микрорайонда уларни спорт ва машғулотларига, техника ва бадиий ижодга жалб этиш учун зарур шарт-шароитлар яратамиз.

Салбий кўринишларга қарши курашда кўнгилли халқ дружиналари, ўртоқлик судлари, уй комитетлари ролини оширамиз, улар фаолиятида кенг ошкоралиги таъминлаймиз, ҳуқуқ пропагандасини яхшилаймиз.

Актив йиғилиши қатнашчилари ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва жамиятга зид кўринишларга қарши курашни кучайтиришда ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг ролини анча оширишни зарур деб ҳисоблайдилар. Улар жиноятчиликка қарши муросасиз ва қатъий кураш олиб бормоқлари керак, тартиб бузилишларига муросасиз бўлишлари, бунда принципиаллик, янада кўпроқ ташаббус кўрсатишлари лозим, меҳнат коллективлари ва жамоатчилик билан алоқани доимо ривожлантиришлари ва мустаҳкамлашлари керак. Социалистик қонунчиликка қаттиқ риоя қилмоқ лозим.

Тошкентлик деган шарафли номни ҳамиша юқори кўтарамиз, меҳнатда ва турмушда намунали коммунистик шаҳар аҳолисининг ахлоқий принципларини муттасил қарор топтириб бораверамиз.

Бу йил ўзининг 2000 йиллигини нишонлайдиган республикамиз пойтахти Тошкентда намунали жамоат тартиби бўлсин!

Бу Мурожаат Тошкент корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, ўқув юртлари, ҳуқуқни муҳофаза этиш ва турар жой органлари, меҳнат коллективлари вакилларининг активида қабул қилинган.

Ишчи дақиқаларини қадрлайлик



Йўловчилар нега ранжишмоқда?

Маълумки, пассажир транспорти хизматига кўп нарса боғлиқ. Бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Лекин шаҳар хўжалигининг ана шу тармоғи билан боғлиқ бўлган кўплаб муаммолар ҳанузгача ҳал қилинмаган. Газетхонларимизнинг редакцияга ёзаётган кўплаб хатларида бу нарса кўзга яққол ташланмоқда. Улар пассажир транспорти ишини яхшилаш кераклигини таъкидламоқдалар.

Иш жойига вақтида етиб боришда транспортнинг бир маромда ишлаши катта аҳамият касб этади. Революция хиёбонидан Шумилов шаҳар часига қатнайдиган автобуснинг графикка аниқ риоя қилмаслиги бизни ранжитмоқда. Шунга ўхшаш ҳолларни 52-автобус, 1, 17-троллейбус маршрутларида ҳам кузатиш мумкин. Транспортнинг аҳолига намунали хизмат кўрсатиши қачон йўлга қўйилади?

Ҳ. ИСМОИЛОВ,
илмий ходим.

●

Транспорт хизмати юқори даражада бўлиб, халқ эҳтиёжларини тўла қондириши керак. Лекин 38, 100, 76, 116, 65-«э», 59-маршрутдаги автобуслар йўловчиларга яхши хизмат кўрсатмаётир. Бу автобусларда йўловчилар ҳамиша тўла бўлади. Бекатларда тўхтаб ўтмайди. Шу сабабли кейинги бекатда турганлар автобусларни ярим, бир соатлаб кутишиб, ишга кеч қолишмоқда.

С. СУЛТОНОВ,
70-мактаб ўқитувчиси.

●

Мен ҳар куни 107-маршрутдаги автобус хизматидан фойдаланаман. Яқинда эрталаб ана шу маршрутдаги автобусни бир соат кутишга тўғри келди. «Келес» автостанциясидаги диспетчердан «Бу маршрутдаги автобус қачон келади?» деб сўрасам «билмайман» деб жавоб берди. Ваҳоланки, ана шу автостанцияга қарашли бошқа маршрутдаги автобуслар бирин-кетин келиб турди. Диспетчер ана шу маршрутдаги йиғилиб қолган автобусларни 107-маршрут бўйлаб юбориши мумкин эди-ку. Лекин у бу ишни қилмади. Диспетчерлар ҳар бир маршрутдаги автобусларни графикка аниқ риоя қилган ҳолда қатнашини таъминлашлари керак. Лекин улар бу асосий вазифаларини кўпинча унутиб қўйишмоқда.

Ҳ. ЮСУПОВА,
«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.
Жами 16 имзо.

●

Нима сабабдан 134-маршрутда қатновчи автобус шофёрлари машиналарини сўнгги (ғиштзаводи) бекатигача олиб бориш шарт деб ўйлашмайди? Мен ўтган йилнинг декабрь кунларида соат 6.00 да бекатга чиқиб ана шу маршрутдаги автобусни соат 8.30 гача кутдим. Лекин автобус келмади. Сабабини суриштирсам шофёрлар сўнгги бекатга борадиган йўловчилар кам бўлади деб маршрутнинг охиригача боришмас экан. Бу қандай ўзбошимчалик?

Ф. МУСАЕВА,
В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг инженер технологи.

●

Ҳадрада ер ости тоннели қурилиши муносабати билан Комсомол майдонидан Ҳувайдо кўчасигача қатнайдиган 11-«э» маршрутни Аэропортгача борадиган қилишди. Лекин бу маршрутдаги автобуслар бугунги кунда аҳолига ёмон хизмат кўрсатмоқда. Автобусга чиқувчилар кўп. Чунки Ҳадра майдони орқали ўтадиган бу якка-ягона автобусга кўпчилик йўловчилар чиқишади. Кечқурунлари 11-«э» маршрутдаги автобусни бир соатлаб кутишга тўғри келади. Ахир маршрут узайтирилган экан автобуслар сонини ҳам кўпайтириш керак-да!

«Энергоцветмет» ишчилари номидан:
Д. ЭРГАШЕВ.

●

5-автобус паркига қарашли 65-«э» маршрутдаги автобус асосан Қорақамиш 2/1 массиви аҳолисига хизмат кўрсатади. Аввалларидан бу маршрут «Дорихона» бекатида тўхтаб ўтарди. Мана бир ой бўлдики бу бекатда тўхтамайдиган одат чиқарди. Кўз касалликлари шифохонаси, «Табассум» бекатларида автобус тўхтаб ўтмоқда. Бу бекатларда «Дорихона» бекатидагига нисбатан эрталаб ва кечқурун йўловчилар кам бўлади. Қорақамиш массивининг 1 ва 5-микрорайонидан чиқувчи аҳоли «Дорихона» бекатидан 65-«э» маршрутига ўтиришади. Шаҳардаги барча транспорт ишларини координация қилиш бошқармаси кўрсатмаси билан автобус янги йилдан бошлаб «Дорихона» бекатида тўхтамаётир. Нима учун йўловчилар гавжум бўладиган бекатда автобуслар тўхтатишини жорий этишмайди?

Ё. КОМИЛОВА, Ҳ. ИСҲОҚОВА ва бошқалар.
Жами 21 имзо.

●

Шаҳар электр транспорти хизматига ҳам эътирозлар кўп. Бир неча кун аввал Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг 1, 3-троллейбус ҳайдовчилари айби билан Ўрда ва бошқа бекатларда бир қанча маршрутлар кетма-кетига бекатларга келиб тўхтади. Шуни айтиш керакки, бундай ҳол кейинги вақтларда трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли маршрутларда кўплаб содир бўлмоқда. Битта маршрутдаги троллейбус, трамвайларнинг кетма-кет келиши графикнинг қўпол равишда бузилаётганлигидан далолат беради. Бу аҳволда йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас!

Ҳ. РИХСИЕВ,
В.И. Ленин номли республика пионер ва ўқувчилар саройи қошидаги етти йиллик мусиқа мактаби ўқитувчиси.

●

22-маршрутдаги такси машинаси Самарқанд дарвоза кўчаси бўйлаб метронинг В. И. Ленин номли станциясига қатнайдиган йўловчиларга хизмат кўрсатади. Аввал бу маршрут Революция хиёбони орқали Правда Востока кўчаси бўйлаб қатнарди. Кейинчалик Пушкин кўчаси орқали Ҳ. Сулаймонова кўчаси томонидан метронинг В. И. Ленин номли станцияси томонига борадиган бўлди. Бу йўловчиларга кўплаб ноқулайлик келтирмоқда. Чунки кўпчилик ҳамшаҳарларимиз Революция хиёбони ва Правда Востока кўчаларида тушиб қолишар эди. Бизнингча, кўпчиликнинг таклифини маъқуллаб, 22-маршрутдаги машинанинг олдинги йўлидан қатнашини ташкил этиш керак!

У. РАСУЛОВ,
Улуғ Ватан уруши инвалиди.

РЕДАКЦИЯДАН: Газетхонларимизнинг хатларида шаҳар пассажир транспортида рўй бераётган камчиликлар рўй-рост очиб ташланмоқда. Редакция Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси, «Главташпассавтотранс», бошқармаси, шаҳардаги барча транспорт ишларини координация қилиш бошқармасидан оқшомхонларимиз шикоятларига аниқ чора-тадбирлар белгиланган жавоб кутади!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ ОШИРИЛСИН

Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарликнинг боришини назорат қилиш бўйича шаҳар комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Г. М. Саркисов олиб борди.

Ўзбекистон ССР Савдо министрининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш Бош бошқармасининг бошлиғи Р. Ю. Ўрозбоев қилинган ишлар ҳақида ҳисобот бериб шуни таъкидладики, бошқа коллективлар сингари умумий овқатланиш корхоналарининг ходимлари ҳам Ўзбекистон пойтахтининг юбилейига тараддуд ишларини олиб бормоқдалар. Улар январь ойи планини муваффақиятли бажардилар. Хўрандаларга хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатилиб, 58 умумий овқатланиш корхонаси тўла реконструкция қилинди, 146 умумий овқатланиш корхонасида капитал ремонт ишлари бажарилди. Шаҳар дам олиш зоналарида жойлашган ошхоналар ва кафеларнинг санитария-техника ҳолатини рисоладагидек қилиш юзасидан муайян ишлар бошлаб юборилди.

Лекин шу билан бирга умумий овқатланиш корхоналарини шаҳримизнинг 2000 йиллик юбилейини байрам қилинишига тайёрлашда жиддий нуқсонлар мавжуд. Ҳамма ерда ҳам жорий ва капитал ремонт ишлари сифатли олиб бориляпти деб бўлмайди. Акмал Икромов, Чилонзор, Октябрь, Ленин районлари ошхоналар трестларида белгиланган тадбирлар суст кашлик билан бажарилмоқда. Айрим корхоналарда ҳўрандаларга хизмат кўрсатиш маданияти паст савияда бўлиб қолаяпти, тайёрланаётган овқатлар сифати талабга жавоб бермайди, айрим ходимлар шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишмайди.

Шаҳар комиссияси аъзолари таъкидлаб ўтишганидек, белгиланган қоидаларни бузаётганларга нисбатан катта масъулият ва қаттиққўллик билан муносабатда бўлиш керак, кўрсатиб ўтилган нуқсонларга бутунлай барҳам беришга, шаҳар аҳолисининг умумий овқатланишини ташкил этишни яхшилашга қаратилган бир қатор конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш керак.



«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи пахтакорларимиз учун кўплаб янги машиналар тайёрлаб бериш борасида фидокорлик билан меҳнат қиляпти.

СУРАТЛАРДА: [чапда] СХУ—4—1 маркали янги чигит экиш сеялкаларини йиғувчи-слесарлар А. Камолов, А. Ширяев, П. Кернисюк, Д. Денисенко, И. Афлитдинов ва Б. Фозиловларни кўриб турибсиз; [ўнгда] янги универсал СХУ—4—1 чигит экиш сеялкалари.

М. Нуриддинов фотолари.



ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҚУРУВЧИЛАР МАЖБУРИЯТИ

БРАТИСЛАВА. «Уренгой-Ужгород» газ қувурини муддатидан илгари ишга тушириш учун ҳаракат қилаётган совет ҳамкасбларимизнинг тажрибасидан фойдаланиб, Совет Иттифоқида қазиб олинган газни ЧССР территорияси орқали Ғарбий Европа мамлакатларига муваффақиятли равишда етказиб бериш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қиламиз. Братислава бўлиб ўтган транзит газопроводи Чехословакия участкаси қурувчилари активининг бўлиб ўтган кенгашида ана шундай мажбурият қабул қилинди.

Республика «газ-қувур» лойиҳасини амалга оширишда актив қатнашмоқда. Ўтган йил ёзда Прагада Чехословакия территорияси орқали совет газини ўтказиш тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланган эди.

Совет — Чехословакия чегарасидан ЧССРнинг ГФР чегарасига қадар 860 километр узунликда транзит газопроводи линияси чўзилиб кетади. Компрессор станциялари учун совет лицензияси асосида Прагадаги «ЧКД» корхонасида газ ҳайдайдиган янги қучли агрегатлар яратилади.

ЯНА БИР КЕМА

СОФИЯ. Болгариянинг савдо флотига яна бир замонавий кема— 25 минг тонна юк кўтарадиган «Мальовица» қуруқ юк ташиш кемаси қўшилди. Бу кема Варна кемасозлари томонидан қурилган бўлиб, юксак даражада автоматлаштирилган тарзда бошқарилади.

Болгариянинг савдо флотида 110 дан кўпроқ замонавий транспорт кемаси бор. Булар орасида қуруқ юк ташийдиган кемалар, танкерлар, контейнер ташийдиган кемалар бор. Бу кемалар жаҳоннинг 400 портига мунтазам равишда кириб турибди. Денгиз флоти мамлакат халқ хўжалигида муҳим роль ўйнамоқда. Импорт қилинадиган юкларнинг учдан икки қисми ва экспорт қилинадиган юкларнинг салкам ярми денгиз транспортида ташилади.

ЎРТА ОСИЁЛИК МЕЪМОР

Ҳиндистон меъморчилигининг энг таниқли ёдгорликларидан бири— Деҳлидаги подшо Ҳумоюн мавзолейини яратган кишининг номини Ҳиндистон археология бошқармасининг мутахассислари аниқладилар. Улар қадимги Эрон қўлёзмалари устида ўн саккиз йил ишлаганларидан сўнг XVI аср охирларидаги (Ҳиндистонда Бобирийлар сулоласи ҳукмронлик қилган давр) бу улкан иншоот лойиҳасини Ўрта Осиё меъмори Мироқ Мирзағиёс тайёрлаганлиги маълум бўлди. Қўлёзмалардан бирининг автори унинг ижодига қойил қолиб, меъмор ўз ватани Бухорода ажойиб боғлар, саройлар ва мадрасалар бунёд этганлигини ёзади.



Ҳозир социалистик Чехословакияда 500 га яқин халқ бадиий мактаблари бор. Уларда 220 минг бола шуғулланяпти. Тажрибали педагоглар болаларга вокаль санъати, рақс, чолғу асбоблари чалишни ўргатмоқдалар.

СУРАТДА: балерина Ярослава Гойташева Прагадаги халқ бадиий мактабларидан бирида машғулот ўтказмоқда.

ЧТК— ТАСС фотоси.

Марказлар ҳамкорлиги

БЕРЛИН. Саноатнинг турли тармоқларида саноат роботларини қўлланишнинг самарадорлигини ошириш соҳасидаги ҳамкорлик — ГДР билан ССРдаги илмий-тадқиқот марказлари кўп томонли ўзаро ҳамкорлигининг намуналаридан биридир. Социалистик Иқтисодий Интеграция, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш муносабати билан, республика олимлари энг аввало Совет Иттифоқи билан биргаликда мамлакат социалистик планли экономиканинг кенг экономикасининг тўла фойдаланишга имкон берувчи масъулиятли вазифаларни ҳал этмоқдалар, деди ГДР фанлар академиясининг президенти В. Шелер журналистларга. Барча асосий эътибор илмий-техника тараққиётининг таъсирчанлигини оширишга қаратилмоқда.

Масалан, бу йил ишлаб чиқаришни янада автоматлаштириш ҳамда мамлакат энергетика базасини ривожлантириш мақсадида микроэлектроника воситаларини жадал ривожлантириш ҳамда улардан амалда фойдаланишга қаратилган тадқиқотлар ГДР олимларининг диққат марказида турибди.

МАҲОРАТ КОНКУРСИ

Кубадаги ўн тўртта вилоятнинг тўрттасида ерни ҳайдаш юзасидан анъанавий умуммиллий мусобақада иштирок этадиган командалар состави аниқлаб бўлинди. Бу маҳорат конкурси Социалистик Куба механизаторлари орасида катта шуҳрат қозонди. Ольгин вилоятининг ўзидагина 350 дан кўп трактурчи ана шу мусобақада иштирок этди.

Механизаторлар умуммиллий биринчилигининг ғолиблари ерни ҳайдаш бўйича халқаро мусобақаларда Куба шарафини ҳимоя қиладилар. Халқаро мусобақалар ҳар йили Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг бирида ўтказилади.

Оммавий ҳаракат

ПНОМПЕНЬ. Кампучия Халқ Республикасида янги ирригация иншоотларини қуриш ҳамда эски дамбалар, каналлар ва тўғонларни тиклаш учун оммавий ҳаракат авж олдириб юборилди. Кампонгчам вилоятидаги Батхеай ва Прэкрумденгда барпо этилган иккита йирик дамба Батхеайда 1.550 гектар ва Прэкрумденгда 20.000 гектар қишлоқ хўжалик ерларини суғориш имконини беради.

Қишлоқ хўжалик ишлари мавсуми давомида Такео ва Кандаль вилоятларининг деҳқонлари давлатдан 239 та механик насос олдилар, бу эса қурғоқчил ерларда 5.200 гектардан кўпроқ шолипояни сув билан таъминлаш имконини берди.

КХРда ирригация учун малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда, булутр турли курсларда 160 киши шу соҳада махсус маълумот олди.



Швейцариянинг ғарбида, Тванна яқинида археологлар Европадаги энг қадимий булкани топишди. Мутахассисларнинг фикрича, бу нон эрамиздан олдинги 4 минг —уч ярим мингинчи йилда ёпилган.

СУРАТДА: археологлар топилмаси.

Кейстон— ТАСС фотоси.

Осма кўприк

Япониялик қурувчилар Хонсю ороли билан Сикоку ороли нинг автотранспорт коммуникациялари н и боғлайдиган кўприкни қуриб бўлдилар. 1009,5 метр узунликда осма кўприк маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Японияда шу типдаги энг узун кўприк иншоотидир. Кўприк қурилиши беш йил давом қилди. Кўприкнинг еттита секциясидан ҳар бирини ўрнатиш учун 3 минг тоннагача юк кўтара оладиган крандан фойдаланилди.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

СОФИЯ. Болгария пойтахтининг жанубий-шарқий қисмида янги турар-жой микрорайони қурила бошланди. Микрорайон Витоша тоғи этакларида жойлашади. Унда 8,5 мингга яқин киши истиқомат қиладиган бўлади. Микрорайон лойиҳаси аҳолига қулайликлар ва сокинлик бўлишини таъминлайди: асосий транспорт йўллари кварталнинг бир чеккасидан ўтади, ўртада эса пиёдалар зонаси яратилади. Қурувчилар квартиралар билан бир вақтнинг ўзида савдо ва маиший хизмат объектларини ҳам топширишга ҳаракат қиладилар.

Кейинги йилларда Болгарияда уй-жой қурилишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Сакизинчи беш йилликнинг ўзидагина 400 мингта квартира қуриш мўлжалланмоқда.

ТОКИО. Катта Токио составига кирувчи Матиду шаҳри аҳолисининг йиғилиши «Матиду шаҳри ядро қуролидан ҳоли зона, деб эълон қилинсин!» деган декларация қабул этди. Ҳужжатда атом қуроли ёппасига ва батамом тақиқланиши, қуролланиш пойгасига чек қўйилиши талаб этилади. «Либерал демократик партиянинг Япония тинчлик конституциясини милитаристик руҳда қайта кўриб чиқиш режаларига қарши норозилик билдирамиз, Япония ҳукумати «учта ядросиз принципга» —ядро қуролини олиб келмаслик, ишлаб чиқармаслик ва унга эга бўлмаслик принципларига қатъий риоя этишини талаб қиламиз!» — деб таъкидланади декларацияда.

БОГОТА. Колумбиянинг Толима департаментидаги Либано шаҳрида полиция бўлинмалари билан аҳоли ўртасида кўча тўқнашувлари юз берган.

Шаҳар аҳолиси сув таъминотида тез-тез узилиш бўлаётганлиги ва сувдан фойдаланиш ҳақи ошганлигидан ғазабланган ҳолда оммавий норозилик намойишига чиқди. Маъмурлар уларга қарши полициячиларни ташлади. Шиддатли тўқнашувлар натижасида намойишчилардан 15 киши оғир яралди бўлган, 100 га яқин киши қамоққа олинган.

ОТТАВА. Канадада ишсизлик январь ойида 1 миллион 598 минг кишига етди. Бу бир йил аввалгига нисбатан 46 процент кўпдир. Ўтган ойнинг ўзидагина мамлакатда 104 минг канадалик «ортиқча кишилар» бўлиб қолди. Канада статистика бюроси шу гапларни маълум қилди.

Ишсизлик тўғрисидаги январь ойида берилган маълумотлар статистика «яширинча ишсизлар» категориясига киритадиган, яъни ишга ўрнашиш учун кўп уриниб натижа чиқара олмаган ва иш биржаларида рўйхатдан ўтмай қўйган кишилар категориясига киритган 155 минг кишини ўз ичига олмайди.

Эртага ўзбек адабиётининг асосчиси, улуғ мутафаккир Алишер Навоий туғилган кунга 542 йил тўлади.
(1441—1983)

Ғазал мулкининг султони

Алишер НАВОИЙ

«БАДОЙИЪУЛ-БИДОЯ» ДЕВОНИДАН

ҒАЗАЛЛАР

Оҳким, ул ошно бегона бўлди оқибат,
Ҳажридин бехудлуғум афсона бўлди оқибат.

Ақлу дониш лофини урғон кўнгул йиғлай юруй,
Ул париваш ҳажридин девона бўлди оқибат.

Қатра-қатра шодлиғ ашкини сочтим васлида,
Барча ҳижрон қушлариға дона бўлди оқибат.

Борғали ул ҳусн ганжи ғам бузуғ кўнглумдадур,
Аждаҳо эви бизинг вайрона бўлди оқибат.

Масту бехудлуғ эмиш ҳажр андуҳининг дофиъи,
Бас, муқимий манзилим майхона бўлди оқибат.

Соқиё, май тутки, ҳажр андуҳидин мен телбани
Фориғ этган соғару паймона бўлди оқибат.

Чекма ун, оҳим кўр, эй Мажнунки, булбул кўп фиғон
Чекти, ўртанган вале парвона бўлди оқибат.

Бутға гар бош қўймадим, кўргилки, диним туҳфаси
Дайр пири оллида журмона бўлди оқибат.

Дединг: ўлгилким, Навоий, сени гаҳ-гаҳ тиргузай,
Ҳеч билмонким санга, жоно, на бўлди оқибат!

Илгин ул гулранг этибдур лола яфроғи била,
Кафларин барги била, тирноғларин доғи била.

Риштайи зулфи хаёлидин ҳаво қилғон кўнгул
Бир қушедурким, қочибдур гўйиё боғи била.

Решалар кўксумда кўр, Фарҳод баҳсин қўйким, ул
Қозмади мендек бало тоғини тирноғи била.

Шамъ ҳамдардимдурур ҳижрон туниким, мен киби
Ҳажр ўтида қоврулур ул доғи ўз ёғи била.

Оташин лаълинг шаҳиди қабридин гулгун ғубор, —
Ким кўпар, ўттур эмас қон ранги туфроғи била.

Бемаҳал гулбонг ила ёлқитма, булбул, элниким,
Даҳр боғи гуллари хуштур вале чоғи била.

Лола эрмас, урди ўт гулшанға бир гул ҳажридин
Ўртаниб ҳар дам Навоий нола қилмоғи била.

Тилагим сенинг ҳузуринг, талабим сенинг жамолинг,
Неча кун тириклигимдан ғаразим сенинг висолинг.

Чидай олмасим фироқинг, ўпа олмасим аёқинг,
Кўра олмасим назиринг, топа олмасим мисолинг.

Манга даштдин фараҳ йўқ, манга боғдин тараб йўқ,
Фараҳим сенинг ҳадисинг, тарабим сенинг ҳаёлинг.

Ажал ушбу дамки куюнгдамен, олса жонки, бори
Бошим ўлса хоки пойинг, таним ўлса поймолинг.

Юзида урубсен, эй меҳр, камоли ҳусндин дам,
Манга равшан улди бу дамки етибтурур заволинг.

Нега таркинг этмай, эй чархки, шому ахтарингдин
Қародур юзунг, валекин оқ эрур юзунгда холинг.

Майи ишқ чун Навоийни жаҳонда қилди расво,
Бу қадаҳни, дўстлар, эмди онинг қошидин олинг.

ҚИТЪАЛАР

Навоий, тилинг асрағил зинҳор,
Десангким емай даҳр ишидин фусус.
Назар қилки, ўқ оғзи тилсиз учуң
Қилур тожварлар била дастбўс.
Неча тожвардур, кесарлар бошин,
Чу ҳангомсиз нағма тортар хурўс.

* * *

Дебон берган киши эрдур, валекин
Демай берганга эрлик бил мусаллам.
Не деб, не берса, билгил они хотун,
Дебон бермасни хотундин доғи кам.

РУБОИЙЛАР

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлиға зам,
Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам.
Кўзларни олишмоққа чекиб тиғи ситам,
Эл кўзини ҳам ўйғаю ўз кўзини ҳам.

* * *

Гул вақти муяссар ўлса гулфом қадаҳ,
Андин сўнг тутса бир гуландом қадаҳ,
Манъ айласа барча аҳли ислом қадаҳ,
Кофирмен агар қилмасам ошом қадаҳ.

ТУЮҚЛАР

Лаълидин жонимға ўтлар ёқилур,
Қоши қаддимни жафодин ё қилур.
Мен вафоси ваъдасидин шодмен,
Ул вафо, билмонки, қилмас ё қилур!

* * *

Чарх тартиб ханжари ҳижрон бу тун,
Қўймади бир зарра бағримни бутун.
Тунга бориб бизни беҳол айладинг,
Не балолиқ ер эмиш, ё раб, бу Тун!!

* * *

Ул пари ишқида бу девонани,
Эйки истарсен, келиб гулханда кўр.
Бир қадаҳ ул гулни хандон айлади,
Эй кўнгул, наззора қил, гул ханда кўр.

ҚАТРАЛАР

(АЛИШЕР НАВОИЙДАН)

△ Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёу адаб.
△ Бошни фидо айла ато бошиға,
Жисмни қил садқа ано қошиға.
Тун-кунинга айлагали нурпош,
Бирисин ойга англа, бирисин— қуёш!
△ Вафосизда — ҳаё йўқ,
Ҳаёсизда — вафо йўқ.
△ Билмаганни сўраб ўрганган — олим,
Орланиб сўрамаган—ўзинга золим!
△ Эр кишига зебу зийнат—ҳикмат ва донишдир.
△ Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин минг ганж ила.
△ Бийнклик келди ҳимматдин нишона,
Ки, ҳимматсизни паст этди замона.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ тўплаган.



Ғафур ҒУЛОМ,
Ленин мукофоти лауреати.

АЛИШЕР НАВОИЙ ҚАБРИ УСТИДА

Дилим равшанлигин ҳиссим йўлида офтоб айлаб,
Мазоринг бошида турмакдадурмен сарҳисоб айлаб,
Қулоғинг сўз эшитмас бўлса ҳам қалбдан хитоб айлаб,
Ватандошлар саломин неча жилдли бир китоб айлаб,
Навоий деб Мусаллога келибман интихоб айлаб,
Самарқанд, Андижон, Тошканду, Урганжу Бухородан,
Ўзинг нашъу намо топган шарафлишонли маъводан,
Сенинг орзуларинг рўёбга чиққан янги дунёдан
Туман Фарҳоду Ширин сув чиқарган бахтли саҳродан,
Ажаб гулдаста келтирдим, унга заррин таноб айлаб.
Китобинг кирмаган ўзбек элида хонадон йўқдир,
Рубобий куйларинг ёд билмаган бир жонажон йўқдир,
Етук авлодларингдир илму донишли, гумон йўқдир,
Башар тарихини юз бор ўқи, бундай замон йўқдир,
Кўнгилларни ёритдик маърифатдан моҳитоб айлаб.
Ватан осмонида нурга тўла офтобни, юлдузни,
Буюк иқболни ижод айлаган мингларча гул юзни,
Қоронғи шоми йўқ доим мунаввар бахтли кундузни,
Жамолини кўришга бир умрлар юммайин кўзни,
«Навоий ҳам ётар то рўзи маҳшар тарки хоб айлаб».

25 ноябрь, 1964 йил, Ҳирот.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» АСАРЛАРИ

НАВОИЙ БИЛАН ДИЙДОРЛАШУВ

«СОМОН ЙЎЛИ —НАВОИЙДАН ИЗ, СИЙМОСИДИР ЙЎЛИМДА ЮЛДУЗ».
ОЙБЕК.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг порлоқ сиймоси акс эттирилган адабий, бадиий, тарихий ва илмий асарлар талайгина. Атоқли ёзувчимиз Ойбекнинг «Навоий» романи, таниқли драматургларимиз Уйғун ва Иззат Султоннинг саҳна асари, бу улуғ зот қиёфасини экран санъатида ёритишга бағишланган бадиий фильм, таниқли адиб Миркарим Осимнинг бир қатор асарлари улар ичида алоҳида ўрин тутади. Халқимизнинг бебаҳо бадиий мулкига айланган «Навоий» романи миллионлаб нусхада нашр этилди. Кўпмиллатли совет адабиётининг ўлмас хазинасидан жой олди. Кўплаб хорижий мамлакатларнинг китобхонларини ўзига мафтун этди. Драма ҳам мана деярли 40 йилдан буён саҳнадан тушмай келади. Бадиий фильм ҳам наинки иттифоқимиз, балки қатор чет эл томошабинларининг самимий олқишига сазовор бўлди. Бироқ улар нечоғлик муваффақият қозонмасин, ўз жанри доираси ва имкониятидаги асарлардир.

Бадиий ижодни халққа, халқни бадиий ижодиётга янада яқинлаштиришда, бадиий асарларнинг ижтимоий моҳияти ва салмоғини, нафосатини теран ва атрофлича талқин этишда телевидениенинг — хусусан, ўзбек телевидениесининг ҳам имкониятлари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу борадаги тажрибалар сайқалланиб, қувонч билан эътироф этгулик ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Фикримизча, улуғ сўз санъаткори таваллудининг 542 йиллигига туҳфа сифатида яратилган Ойбекнинг «Навоий» романи асосидаги кўп қисмли видеофильм ана шундай жиддий муваффақиятлардан биридир.

Бу ўринда, энг аввало сценарий автори ва постановкачи режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мақсуд Юнусовнинг ижодкор ва санъаткор сифатидаги дадил ва муваффақиятли изланишларини алоҳида қайд этмоқ лозим. Маълумки, роман жанрининг имкониятлари ниҳоятда кенг. Видеофильмнинг имкониятлари эса ўзига хос. Шу боисдан— Мақсуд Юнусов бошлиқ ижодий коллектив олдида катта қийинчиликлар мавжуд эди. Бу, биринчидан, «Навоий» романидек мукаммал асарнинг салобатини, кўрки, гўзаллигини, тароватини йўқотмасдан, ҳатто шуларнинг барчасини янада теранлаштириб, жанр имкониятларидан келиб чиқиб янада бойитиб бера олиш масъулияти эди. Иккинчидан, Навоий сиймосини экранда кўрсатажак видеофильм фақат унинг ўзи ҳақидаги асар даражасида қолиб кетмасдан, бу улуғ шахс яшаб ижод этган тарихий давр, уни шакллантирган муҳит ва шароит, фикрий жангларнинг замзамалари, синфий кураш ва дунёқарашдаги прогрессив қарашлар билан айни вақтда мавжуд бўлган иккиланишларни ҳам жонли кўрсата билмоғи зарур эди. Видеофильмнинг баъзи қисмларидаги айрим парчаларни ҳисобга олмаганда бу ҳар икки муҳим вазифа катта ижодий коллектив томонидан умуман муваффақиятли ҳал қилинган.

Биз видеофильмнинг (уни маълум маънода фильм-эпопея деб аташ ҳам мумкин) дастлабки қисмлариданоқ Навоий шаклланган муҳит, у яшаган тарихий давр, унинг сиёсий-ижтимоий асослари, шу асосни белгиловчи синфий кучлар билан жуда аниқ танишамиз. Бир вақтлар роман ҳақида фикр билдирган айрим мунаққидлар Навоий бирданига тўлиқ шаклланиб бўлган сиймо сифатида тасвирлана бошлайди, унинг шаклланиш эволюцияси кўрсатилмайди, у статик равишда акс эттирилган деган, моҳият эътибори билан асоссиз мулоҳазалар билдиришган эди. Видеофильм бу фикрлар тўғри бўлмаганлигини яна бир карра исботлади.

Алишернинг болалик чоғини ижро этган Дониёр Содиқов томошабинда илиқ меҳр ва умидбахш таассурот қолдиради. Лекин унинг талқинида бўлажак буюк шоирнинг донишлик белгиларини кўрсатиш, бу ёшдаги барча болаларга хос бўлган оддий болалик сифатларини кўрсатишдан устунлик қилади. Бу назаримизда ижрочидан кўра кўпроқ режиссёрга тааллуқли.

Алишернинг бандилар осилаётган жойга бориб қолиши хусусида шуни айтиш керакки, фикримизча, уни бобоси бу ердан тезроқ олиб чиқиб кетиши, қатл жараёнини ёш болага кўрсатмаслиги мақсадга мувофиқ бўлур эди. Натижада бадиий ҳақиқат тарихий ҳақиқатни тўлдирар, бадиий ҳақиқатнинг ҳаётий таъсир кучи янада ошган бўлар эди.

Гап видеофильмнинг биринчи қисми ҳақида борар экан, шу қисмданоқ бошланувчи ва бутун асар давомида алоҳида кучли ўрин ишғол қилувчи бир линияни таъкидлаб ўтмоқ лозим. Бу— тарихимиздаги жаҳолат ва зиё, қабоҳат ва нур масаласидир. Сир эмаски, айрим асарларимизда, кўп қисмли теле ва кино асарларимизда ҳам баъзан ўтмишимиз фақат қора бўёқлар билан ва схематик тарзда тасвирланади. Бу тасвир усули назаримизда тарихий диалектика принципига зиддир. Чунки ўтмишдаги зиё учқунларисиз бугунги баркамол нурнинг майдонга келиши қийин эди. Бу ўтмишда жаҳолат бўлмаган, деган гап эмас албатта. Ўтмишимизда жаҳолат жуда кучли бўлган. Фильмдаги Мўмин Мирзонинг қатл этилиши, отанинг фарзандга, фарзанднинг отага қарши тинимсиз ҳарбий юришлари, Тўғонбек сингариларнинг Дилдор сиймосидаги халқ вакиллари бошига ёғдирган уқубатлари, давр кажрафторлиги туфайли Навоий бошига тушган ташвишлар ва бошқалар тарихимизнинг ана шундай жаҳолати кўринишларидир. Лекин шу билан бир вактда ана шу олис тарихимиздаёқ юксак даражадаги дид, одоб, ахлоқ, муомала маданияти, ўзгаларнинг фикрига қулоқ сола билиш ва ҳаёт ҳодисаларига ҳушёр, айни вақтда тавозе билан муносабатда бўла олиш маданияти — бир сўз билан айтганда нур ва зиёлар ҳам бўлганки, бу нарсанинг табиий гавдалантирилганлиги, фикримизча видеофильм муваффақиятларидан биридир.

Айрим асарларда кўп ҳолларда тўқима образлар тарихий заминдан ажралиб қолар, уларнинг тўқималиги билиниб турарди. Видеофильмда айрим схематик асарлардан фарқи ўлароқ, Султонмурод, Тўғонбек, Дилдор, Арслонқул сингари тўқима образлар ҳам Навоий образи ва характерини, тарихий шароитни гавдалантиришга шу қадар табиий даражада сингиб кетганки, уларнинг тўқималиги умуман билинмайди.

Фильмда Навоийнинг инсонпарвар, мутафаккир, ижодкор, давлат арбоби сифатидаги сиймосини бир бутунликда, яхлит очиб беришга муваффақ бўлинганки, бу ҳам умуман асар олдида турган мушкул вазифалардан бирининг ижобий ҳал этилганини кўрсатади. Бу борада сценарий муаллифи шоирнинг ўз ижодидан, унинг шеъриятидаги жавоҳир мисралардан унумли ва ўринли фойдалана олган.

Сценарий муаллифининг тутган бу услубий йўли Навоийнинг шахс — мутафаккир —ижодкор сифатидаги сиймосининг гармоник бирлигини яратиш имкониятини берган. Бу принцип Бойқаро билан Навоий мулоқотларига доир эпизодлар учун ҳам хосдир.

Маълумки, Навоий ва Бойқаро муносабатларига қарашда бадиий адабиётда ҳам, адабиётшунослигимизда ҳам, тарих фанимизда ҳам бир биридан жуда кескин фарқ қилмаса-да, даражаси, эътибори нуқтаи назаридан турлича қарашлар бор. Фикримизча, видеофильм бу масалага бадиий ҳақиқат ва тарихийлик принципига амал қилган ҳолда бир мунча ойдинлик киритади. Гап шундаки, Бойқаронинг Навоийга жуда катта ҳурмат билан қарагани, давлат ишлари нуқтаи назаридан ҳам, шахсий муносабатларда ҳам улар ўзаро яқин бўлганликлари ва бу ҳол икковининг ҳам тақдирида чуқур из қолдирганлиги фильмда ўзининг анчагина аниқ ифодасини топган.

Бу йўсиндаги талқин Бойқаронинг шоҳ сифатидаги шахсини бузиш ёки хас-пўшлаш, ижобий хислатини ошириш маъносида эмас, аксинча Навоийнинг буюклигини аниқроқ кўрсатиш аспектида, ҳатто бутун давлат, даврнинг сиёсатию, асосий кучлари қўлида бўлган Бойқародек кишининг Навоийдек тараққийпарвар куч олдида ожиз ва ҳатто ноилож бўлганига ишора қилиш мақсадига бўйсиндирилган. Бойқаронинг иродасидан ташқари бўлган тузум уларни кўз илғамас парда билан ажратиб туради. Асарнинг финалидаги Бойқаронинг Навоий қаршисида бўйин эгиб, «Бу ҳолатни кўриб ажабланмангиз. Жаҳолат адолат қаршисида тиз чўкди. Мен адолат султони ҳазрати Навоийга сиғиндим» деган фикрларини, умуман асарнинг бош ғояси, адолат жаҳолатни барибир енгаяжаклигига ишора деб тушунмоқ лозим. Асарнинг ҳозирги давр учун энг асосий аҳамияти ҳам шундадир.

(Давоми 4-бетда).



СУРАТДА: видеофильмдан кадр.

ЯНГИ ТОПИЛГАН БАЙТЛАР

Алишер Навоий асарларининг турли даврларда кўчирилган қўлёзма нусхалари жаҳон кутубхоналарида кўплаб учрайди. Шулардан элликка яқини бевосита шоир ҳаётлиги пайтида тасниф этилган. Уларнинг бир қисми Совет Иттифоқида, бир қисми эса чет эл қўлёзма фондларида мавжуд. Мазкур қўлёзмаларнинг энг машҳурлари, жумладан, Ленинградда сақланаётган «Илк девон», «Хамса»нинг Тошкентдаги машҳур хаттотлар Абдужамил ва Султон Алилар томонидан кўчирилган мўътабар нусхалари, Навоий қуллиётининг Ленинград, Душанба, шаҳарларидаги ноёб қўлёзмалари ва бошқалар навоийшуносликда кенг истифода этилган. Аммо шоир ҳаётлиги пайтида тартиб берилган бир қатор уникал қўлёзмалар, хусусан хорижий фондлардаги нусхалар айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра ҳанузгача жиддий тадқиқ этилмаган ёхуд ниҳоятда кам ва юзаки ўрганилган.

Биз ушбу мухтасар ахборотда сўз юритмоқчи бўлган ана шундай нодир қўлёзмалардан иккитаси чет элларда сақланиб, улар Алишер Навоийнинг биринчи расмий девони «Бадойиъул-бид о я»нинг нисбатан энг қадимги нусхаларини ташкил этади. Улардан биринчиси шоирнинг 39, иккинчиси 41 ёшлиги пайтида кўчирилган. Бу қўлёзмалар ҳозирги пайтда Париждаги Миллий кутубхона (инв. № 746) ва Лондондаги Британия музейида (инв. № 401)дир. Бу ноёб нусхаларнинг микрофильмлари марҳум устод Ҳамид Сулаймон ташаббуси билан Тошкентга олиб келтирилган бўлиб, улар ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институти фондида сақланмоқда.

Қайд этилган қўлёзмаларнинг мазкур микрофильмлар асосида тайёрланган фотонусхалари билан яқиндан танишиш улар таркибида Алишер Навоийнинг шу кунга қадар илм аҳлига маълум бўлмаган бир қатор янги байтларининг аниқланишига олиб келди.

Жумладан, девоннинг Париж нусхасидаги 33-ғазал 8 байтли бўлиб, унинг

Чучукдур қамиш ўқларинг жонима,
Бу най ичра гўё шакардур манго

байти мазкур ғазалнинг ҳозирги ёзувда нашр эттирилган «Хазойинул-маоний» вариантида учрамайди. Бу байтда шоир ғазалнинг умумий ғоявий йўналишидан келиб чиққан ҳолда маъшуқанинг ошиққа етказаяжак ҳар қандай жабру ситами ошиқ томонидан лутфан ва астойдил миннатдорлик билан қабул қилиниши лозим, деган мазмунни оригинал поэтик деталь орқали нафис ифодалаб берган.

Умуман, бу хил нозик мушоҳадаларга эга бўлган янги байтлар ҳар иккала нусханинг ғазалиёт қисмида 30 байтга яқин бўлиб, улар мазкур ғазалларнинг шакл ва мазмун жиҳатдан тадрижий такомилини таҳқиқ қилиш, баъзи ҳолларда эса уларни тўла тиклаш ишига хизмат қилади. Мазкур байтлар орасида даврдан кескин шикоят оҳанглари баралла янграган муҳим ижтимоий-сиёсий мазмундаги:

Керак ҳар дам қадаҳким, май суйи бир лаҳза қайтарғай,
Буким даврон жафосидан етар оғзимга қон ҳар дам;

ёки фалсафий руҳдаги

Шамъ ила май ахтариға бер саботу сайрким,
Меҳр фаҳм ўлмас фалакнинг собиту сайёрида

каби мисралар, шунингдек, ҳурфикрлилик ва риндона кайфиятларни тарғиб қилувчи

Масту бехудлуғ эмиш ҳажр андуҳининг дофиъи,
Бас, муқимий манзилим майхона бўлди оқибат

тарзидаги сатрлар ҳам учрайди.

Қуйидаги байтларда эса лирик қаҳрамоннинг муайян руҳий ҳолатлар билан боғлиқ нозик ва ҳаяжонли ички кечинмалари шоир томонидан қўлланилган кутилмаган поэтик иборалар ва фавқулодда кашф этилган ташбеҳлар воситасида таъсирчан чизиб берилган:

Ул наргиси бемор ила ул ғунчайи хандон
Кўзимни ўл айлабтуру оғзим қурутубтур.

* * *

Ишқ ичинда, эйки, юз муҳлик балоға учрадим,
Бор санга минг шукр вожиб, гар ғами ҳижрон эмас.

* * *

Кўзум оллиндадур лаълинг ҳаёли,
Эмас кирпикларим устида хуноб,

Янги байтлар орасида оригинал сўз ўйинлари ва мураккаб шеърий санъатлар моҳирона ишлатилган мисраларни ҳам учратиш мумкин.

Бору йўқин тенг кўрармен зарраву хуршиднинг
Йўқ оғиз бирла жаҳоноро жамолинг борида.
Қуёш қочиб юзин уйди, шафақ ўтқа тушиб куйди,
Фалакка доғлар қўйди ғамингдин сўзи пинҳоним.

Бу хил қизиқарли мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо муҳтарам навоийхонлар диққатига илк бор, ҳавола қилинган юқоридаги сатрларнинг ўзиёқ Алишер Навоийнинг «Бадойиъул-бидоя» девонидаги мазкур байтлар ҳар жиҳатдан аҳамиятга эга бўлиб, улар кенг ва атрофлича ўрганишга лойиқдир, деган хулосага олиб келади.

Ш. ШАРИПОВ,
филология фанлари кандидати.

ҚИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ТАСВИРЛАР СЕҲРИ





Ҳ. Сулаймонов номли Қўлёзмалар институти томонидан нашрга тайёрланган «Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар» номли ажойиб, рангли миниатюралар альбоми юқсак полиграфик савияда чоп этилганлиги билан диққатни жалб этади.

Альбомдаги бой материалларга профессор Ҳамид Сулаймон ва филология фанлари кандидати Фозила Сулаймонова тартиб бериб, унга ихчам сўз боши ёзганлар. Бу ажойиб альбом Ўзбекистон ССР Фанлар академияси вице-президенти, академик Эркин Юсупович Юсупов таҳрири остида нашр этилган. Сўз боши, нафис расмлар ва китоб зийнатлари номлари ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилган бўлиб, альбом Югославиянинг Кран шаҳридаги босмахонада чоп этилган.

Мазкур альбом Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти, Қўлёзмалар институти, Ленинграддаги Салтиков-Шчедрин номли Давлат Халқ кутубхонаси, шунингдек Англиянинг Британия музейи, Бодлеан, Манчестер университети ва Қироллик шарқшунослари кутубхоналари, Франциянинг Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган Алишер Навоий асарларининг ўттиз етти ноёб мўътабар қўлёзмаларининг нафис мўъжаз расмлари ва китоб зийнатларидан ташкил топган.

Альбомдаги расмлар ва китоб зийнатлари машҳур «Хамса», «Лисонут-тайр» достонлари, ҳамда «Илк девон», «Наводирун-ниҳоя», «Хазойинул-маоний» девонларининг мўътабар қўлёзмаларидан олинган.

Алишер Навоий асарлари мўътабар қўлёзмалари шунчалик маҳорат ва муҳаббат билан яратилганки, альбомда акс этган ўттиз етти қўлёзманинг ҳар бирини шарқ китобат санъатининг шоҳ асари ёки дурдонаси деб аташ мумкин.

«Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар» номли ажойиб альбомнинг юксак матбаа савиясида чоп этилиши улуғ шоир ижодининг шу вақтгача кенг жамоатчиликка маълум бўлмай келган янги саҳифаларини очади.

А. МАДРАИМОВ,
санъатшунослик кандидати.

НАВОИЙХОНЛИККА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми қошидаги Навоий комитети, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти, Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти ўзбек адабиётининг асосчиси, улуғ мутафаккир Алишер Навоий меросини ўрганишга бағишланган навбатдаги XXVII анъанавий илмий конференцияни ўтказадилар.

Конференция эртага — 9 февраль соат 10.00да А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг мажлислар залида очилади.

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ
8 ФЕВРАЛЬ, 1983 й.

НАВОИЙ БИЛАН ДИЙДОРЛАШУВ





(Давоми. Боши 3-бетда).

Шу ўринда, асарнинг замонавий талқини масаласида ҳам, бошқа ижобий ютуқларни қўлга киритувчида ҳам видеофильмга консультантлик қилган таниқли навоийшунос олимларимиз А. П. Қаюмов, А. Ҳ. Ҳайитметов, А. Р. Рустамов, Ё. Исҳоқов ва Ш. Шариповларнинг ҳам меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим бўлади. Телевидениенинг адабий-бадиий кўрсатувларида, хусусан, видеофильмда ҳам, муҳаррир меҳнати чоп этилажак бадиий асар муҳаррирининг масъулиятидан кам эмас. Шу маънода, видеофильмда тажрибали муҳаррир, ёзувчи, танқидчи сифатида танилган Ғ. Расулов ва Ў. Ўтаевларнинг ҳам меҳнатлари сезилиб турибди. Шу муносабат билан, консультант ва редакторларнинг актёрлар (қаҳрамонлар) тилининг ижобий маънодаги стилизацияси хусусида эришган ютуқлари ҳам томошабинни қувонтиради. Бутун фильм давомида Навоий даври ва муҳитининг тили сақланган ҳолда ҳозир ҳам тушунишимиз осон бўлган шаклга келтирилган.

Видеофильмда бизни деярли асар иштирокчиларига айлантирувчи эпизодлар кўп. Ота-болани яраштириш умидида борган Навоийнинг Бадиузамон билан диалогини эслайлик: Шаҳобиддин қози ўзини менга дўст кўрсатиб юрса ҳам Музаффар Мирзонинг айғоқчиси экан, ўлим жазосига буюрдим, дейди Бадиузамон. Навоий унга шундай жавоб беради: «Жиноятларнинг тақдирига ҳамма вақт ушмундоқ якун ясалур. Лекин Ватан, халқ олдинда, тарих олдинда шахсий гиналарнинг ҳеч бир қиймати йўқдур. Ҳақиқий инсон ўз шахсияти йўлида бегуноҳ кишилар қонини тўкмайдир. Инсон учун тож киймак шарт эмас. Балки нўмус ҳам виждон соҳиби бўлмак, жамият олдида ўз масъулиятини ҳис этмак шарт...». Бу фикрлар ҳам замонамизга тамомила ҳамоҳангдир.

Навоийнинг бошқа ҳеч қайси тилни, бошқа ҳеч қайси халқни камситмагани ҳолда ўз она тилининг гўзаллиги ва тароватига ҳақидаги фикрлари акс эттирилган тўртинчи қисмдаги эпизодлар, олтинчи ва еттинчи қисмда Бойқаро ва Навоийнинг улуғ шоир ва мутафаккир Жомийга кўрсатган ҳурмат-илтифотлари орқали ўзбек ва бошқа халқларнинг қадимий, мустаҳкам, самимий дўстлик ришталари кўрсатилувчи парчалар ҳам муваффақиятли чиққанини таъкидламоқ лозим.

Тўғри, фильмдаги барча қисм ва эпизодлар бирдай муваффақиятли чиққан деб бўлмайди. Масалан, иккинчи қисмдаги Миркаримнинг Осим асарларидан фойдаланилган эпизодлар, Алишернинг ўсмирлик ва йигитлик даври талқини, учинчи қисмдаги кимёгар Абдулаҳад билан боғлиқ эпизоднинг асар умумий ғоясига кўпам бўйсунавермагани, бешинчи қисмда Дилдорнинг саройдан қочишга интилиши эпизоди, олтинчи қисмда Бойқаронинг Навоий ҳузурига ташриф буюриб, Ҳожи қизиқчи ва бошқалар қаршисида ўз шоҳлигини унутиб, деярли оддий одамга айланиб қолиши сингари эпизодлар далилланиши ва тиниқлиги жиҳатидан бошқа парчалар даражасида равшан эмасдек туюлади. Асар бошидаги Гавҳаршод бегим зиёфатидаги рақс саҳнаси ҳам анча чўзилиб кетган. Булардан ташқари саккизинчи ва тўққизинчи қисмларнинг ўзаро ички боғланишлари ўртасидаги воқеаларнинг мантиқий изчиллигида айрим узилишлар кўринади. Шу маънода Навоий ҳаётининг сўнгги босқичида муҳим ўрин тутувчи — унинг Макка сафари тадорики ва халқ, Ватан тақдирини ўйлаб, бу ниятидан воз кечиши ўз ифодасини топганида, фикримизча, яхши бўларди.

Видеофильмнинг умумий муваффақиятини белгилаган омиллардан бири, шубҳасиз, ундаги саҳна санъати билан боғлиқ бўлган масалаларнинг комплекс бирлиги ва актёрлар маҳоратидир, албатта. Бу хусусда энг аввало постановкачи режиссёр услубий палитраси жиҳатидан ранг-баранг бўлган жуда катта бир ижодий коллективни ташкил эта олгани ва уларнинг ҳар бири имкониятини тўғри аниқлаб, ўрни-ўрнига белгилай олганини таъкидламоқ керак. Қолаверса, бу видеофильмда пойтахт академик театрининг СССР халқ артисти С. Эшонтўраева (Гавҳаршодбегим) сингари атоқли актёрларидан тортиб, область театрларидан — Фарғонадан Ўзбекистон ССР халқ артисти Яҳёхон Маматхонов (Лутфий), Сирдарёдан — Рустам Ҳамдамов (Арслонқул), Муқимий номли республика театридан Ҳусан Шарипов (Ҳожи Деҳдор), Ёш томошабинлар театридан Лутфулла Саъдуллаев (Ҳайдар), театр ва рассомлик санъати институти талабаси Мушарраф Қурбонова (Дилдор), мактаб ўқувчилари Дониёр Содиқов (Алишернинг болалиги) ва Абдураззоқ Авазов (Мўмин Мирзо) сингари тажрибалари турли босқич ва даражада бўлган актёрлар коллективининг меҳнати кишини қувонтиради.

СССР халқ артисти З. Муҳаммадконов (Бойқаро), Ўзбекистон ССР халқ артисти Ё. Аҳмедов (Навоий) бу асардаги ижрочилик маҳоратлари билан миллионлаб томошабинларнинг яна бир бор самимий олқишларига ва меҳрига сазовор бўлдилар.

Турғун Азизов (Шаҳобиддин), Пўлат Саидқосимов (Тўғонбек), Эркин Комилов (Султонмурод), Маҳмуд Дўстматов (Зайниддин), Тўйчи Орипов (Маждиддин), Ғ. Жамилова (Хадичабегим), Ё. Саъднев (Бадиуззамон) ва бошқаларнинг ҳам видеофильм ютуғига қўшган ҳиссалари катта, албатта. Айниқса Ёдгор Саъднев уч ўт (фарзандининг ўлими, ота қотиллиги, устоз Навоийнинг муносабати) ўртасида қолган Бадиузззаноннинг мураккаб руҳий ҳолатларини гўзал ва жозибали талқин этганлиги мақтовга сазовор.

Умуман кўплаб видеофильмлар, телеспектаклларни яратган таниқли режиссёр Мақсуд Юнусов бадиий асарларнинг китобхонлари даврасини янада кенгайтираётганли г ини алоҳида таъкидлаш лозим. Унинг раҳбарлигида майдонга келган кўп қисмли видеофильмни буюк Навоийнинг қайта туғилиши ва улуғ адибимиз Ойбекнинг ўлмас хотирасига яна бир карра таъзимдир, деб баҳолагимиз келади. Шу маънода видеофильмни рус тилига таржима қилиш, мумкин бўлса шу асосда кўп сериялы телефильм яратиб, Бутуниттифоқ томошабинлари эътиборига ҳавола этиш мақсадга мувофиқ.

Матёқуб ҚУШЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.
Абдулла ОРИПОВ,
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати.
Бахтиёр НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

СУРАТЛАРДА: «Навоий» видеофильмидан кадрлар.
Р. Сухов фотолари.



Иссиқкўл соҳилини табиат томонидан яратилган соғломлаштириш ўчоғи деб атайдилар. Денгиз сатҳидан 1600 метр баландликда жойлашган бу кўл мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келаётган дам олувчилар диққатини тобора ўзига тортмоқда.

СУРАТДА: «Жети—Оғуз» курортида дам олаётган [чапдан ўнгга] Т. Боброва (Қирғизистон), Н. Новикова ва В. Шайковларни [Ўзбекистон] кўриб турибсиз.

Н. Жиганов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

«ТОШКЕНТ СЕРВИСИ»— ХОЛИС ХИЗМАТ ФИРМАСИ

УЗИМ ТИКМОҚЧИМАН

Ҳозирги пайтда кўпчилик хотин-қизлар ўзлари тикиб кийишни хоҳлашади. Бу орзунинг амалга ошишида Тошкент «Сервис» фирмасининг тажрибали чеварлари ёрдам беради.

Навоий кўчасидаги 30«а»-уйда жойлашган «СЕРВИС» биносида «Узингиз тикинг» салони ишлаяпти.

Сиз таклиф этган фасонга қараб бичиқчилар газмолни бичиб-ўлчаб беради, Сиз эса азиз дугоналар, шу ернинг ўзида, салонда ўзингизга кўйлак ёки юбка, сарафан ёки кофта тикиб оласиз. Қўшни салонда эса, Сиз таклиф этган газмолдан тикилган қўйлакни безаш учун гуллар заказ қилишингиз мумкин.



САЛОМАТЛИК ВА... МАССАЖ

Массаж бутун организмга фойдали таъсир кўрсатади. У мушаклар ишчанлигини оширади, асаб системасини тинчлантиради, уйқу ва кайфиятни яхшилайди. Массаж туфайли инсон териси ортиқча ёғ, тер ва ўлик тўқималардан халос бўлади. У юмшоқ ва майин бўлиб қолади.

Саломатлик ва яхши кайфиятни сақлаб қолишда сизга массаж ёрдам беради!

Даволаш массажи хонасига марҳамат қилинг. Бу хона «Сервис» биноси (Навоий кўчаси, 30«а»-уй)да жойлашган.



КВАРТИРАНИ УЙ БЕКАСИСИЗ ЙИҒИШТИРИШАДИ

Дераза ойнаси, пол, газ плитаси, эшикларни ювиш, уйни тўла тартибга солишни —илтимосингизга биноан Тошкент «Сервис» фирмасининг ходимлари бажаришади.





ЯНГИ УЙГА КЎЧГАНЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Янги уй олиш—қувончли воқеа. Уни шинам ва чиройли қилгингиз келади: эшикни, мебелни қоплаш керак... Лекин қандай қилиб?

Тошкент «Сервис» фирмасига мурожаат қилинг. Фирма усталари эшик ва мебелларни (материал— буюртмачидан) қоплаб, янги кулф ва туйнук-кўзча ўрнатиб беришади.

КЎЧИРИБ БЕРИШАДИ

«Сервис» уйнда машинкада ёзиш бюроси ҳам бор. Унда ариза, справка, диплом, аттестат, меҳнат дафтарчасидан ёки бошқа ҳужжатдан кўчирма ёздириб олиш мумкин.

Зарур бўлган барча справкаларни диспетчердан қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 44-63-15, 44-61-45, 44-28-01.

ТОШКЕНТ «СЕРВИС» ФИРМАСИНИНГ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ! ТОШКЕНТ «СЕРВИС» ФИРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

«УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» трестининг

ЎҚУВ ПУНКТИ

ҳавони кондиционлаштириш ва вентиляциялаш системалари монтажи бўйича слесарь-вентиляциячилар, вентиляция системаларининг деталларини тайёрлаш бўйича слесарь-вентиляциячиларни тайёрлайдиган

УЧ ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 17,5 ЁШДАН 40 ЁШГАЧА БЎЛГАНЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Курсларга қабул қилинганларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

КУРСЛАРНИ ТУГАТГАНЛАР «УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ЙЎЛЛАНМА БИЛАН ЮБОРИЛАДИЛАР.

Курсларга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, 3Х4 см ҳажмидаги 3 дона фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700047, Тошкент шаҳри, 47-алоқа бўлими, Ленинград кўчаси, 19-уй, 3-қават, кадрлар бўлими.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/II да **Дилором**, 9/IIда **Севги учун севги.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/II да **Соқов рицарь**, 9/II да **Абу Али ибн Сино.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/II да **Ёшликда берган кўнгил.**

кино

8 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КРОССВОРД МУХЛИСЛАРИ УЧУН» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«АНГАР—18» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«ЎЗ ИХТИЁРИ БИЛАН СЕВИБ ҚОЛДИ» — **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ПАРВОЗДАГИ ЎЛИМ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ҚЎШИҚ САДОЛАРИ» — **Санъат саройи** (16.30, 17.15, 19.15, 19.45, телефон 44-21-74). **Нукус** (17, 19.30, 21.45, телефон 46-70-69), **Чайка** (16, 18.30, 21.00, телефон 77-06-20), **Дружба** (17, 18, 20, 21.00, телефон 66-15-75).

«МУҚАДДАС ЮР СИРИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«АЛВИДО» ДЕЯ ОЛМАЙМАН»— **Мир** тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

9 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КРОССВОРД МУХЛИСЛАРИ УЧУН» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«АНГАР—18» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«ЎЗ ИХТИЁРИ БИЛАН СЕВИБ ҚОЛДИ» — **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ҚЎШИҚ САДОЛАРИ» — **Санъат саройи** (11, 12, 13.45, 14.30, 16.30, 17.15, 19.15, 19.45, телефон 44-21-74). **Нукус** (12, 14.30, 17, 19.30, 21.45, телефон 46-70-69), **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 66-15-75).

«МУҚАДДАС ЮР СИРИ» —**Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«АЛВИДО» ДЕЯ ОЛМАЙМАН»— **Мир** тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

11 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ
Тошкентда биринчи марта

«АРАЛАШ ҲАЙВОНЛАР ГРУППАСИ» АТТРАКЦИОНИ

Ўргатувчи — РСФСР халқ артисти Тереза ДУРОВА.
2 бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа.
Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари эса 13.00, 16.00 ва 19.30.
Одиндан билет сотиш кассаси ишлайди.
Касса соат 10.00 дан 20.00 гача очиқ.
Телефонлар: 44-35-91, 44-31-40.

196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводи учун қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

Ярим ўтказгичли приборларни йиғувчилар, электрон техника қисмлари ва приборларининг синовчилари, электрон техника қисмлари ва приборлари контролери, радиоаппаратуралари ва приборларининг монтажчиси ҳамда созловчилари, технология ускуналарини созловчилар, синов ускуналари созловчи-монтажчилари, токарлар, фрезерчилар, электр пайвандчилар, асбоб-соз-слесарлар, дурадгорлар.

Билим юртига 8— 10 синф маълумотига эга бўлган, Тошкент шаҳрида ва унинг атрофида яшовчи йигит-қизлар қабул қилинади.

8-синф маълумотига эга бўлганлар учун ўқиш муддати —3 йил, 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун — 6 ой.

Радиоаппаратуралар ва приборларнинг монтажчиси ва созловчиси ихтисосига қабул қилинган 10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ўқувчиларга 30 сўм миқдорида стипендия, технология ускуналари созловчиси мутахассислигидаги ўқувчиларга эса 72 сўм стипендия берилади, 8-синф маълумоти билан қабул қилинганлар тўлиқсиз давлат таъминотида бўладилар ва ўрта маълумот оладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчилар иш ҳақининг 33 процентини оладилар. Ўқиш вақти иш стажига ҳисобланади.

Қабул комиссияси билим юрти базасида, В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводининг кадрлар бўлимида ҳар куни ишлайди.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАНИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Ленин райони, Весна кўчаси, 17-уй (1, 5, 26-трамвайлар ва 106-автобуснинг «Фоменко» бекати), 91-14-51.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ФРУНЗЕ РАЙОН ТАШКИЛОТЛАРИГА:

бош бухгалтер ўринбосари, катта бухгалтер-ревизорлар (2), бухгалтер-ревизор, бошлиқ ўринбосари, тўқувчилик ишлаб чиқариши бўйича катта инженер, ишлаб чиқариш-техника бўлими инженери, маҳсулот сифатини бошқариш ва механизация бўлими инженери, меҳнат ва иш ҳақи бўлими экономисти, кадрлар бўлими инструктори, машинистка (2), катта инструктор, босмахонанинг катта бухгалтери.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — аҳолини ишга жойлаштириш марказий пункти.

СССР Алоқа министрлиги Тошкент алоқа политехникуми

8—10 синф ҳажмида маълумотли ёшлар, шунингдек 10-синф ўқувчиларини

ОЛТИ ОЙЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди: телевизион техника ва радиорелели алоқа, район электр алоқаси ва радиолаштириш, автомат электр алоқаси, кўп каналли электр алоқаси, телеграф алоқаси ва маълумотларни узатиш, почта алоқаси, бухгалтерлик ҳисоби.

Аризалар 21 февралгача қабул қилинади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ушбу адресга мурожаат этилади: 700189, Тошкент шаҳри, 189-алоқа бўлими, У. Юсупов кўчаси, 70-уй, 2-қават, 203-хона (10-троллейбус, 44, 48-автобусларнинг «Лабзак» бекати, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Алоқа техникуми» бекати). Телефонлар: 41-43-62, 41-35-04.

Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтига **Т. С. Лигай** номига берилган 11, 12-сонли йўқолган

ИШОНЧ ҚОҒОЗЛАРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТВ

8 ФЕВРАЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг А. Михайлов раҳбарлигидаги симфоник ва эстрада куйлари оркестри чалади. 20.10 «Буюк халқ ҳақиқати». «Совет характери». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Кўрсатувни ёзувчи Ч. Айтматов олиб боради. 21.30 «Время». 22.05 Давлат марказий концерт залида Москвада Прага кунларига бағишланган концерт. 23.25 «Дунё воқеалари». 23.40 Спидвей бўйича жаҳон чемпионати. 1/4 финал. Ленинграддан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Сеҳргар — чилангар». «Денгиз бўриси». Мультфильмлар. 18.30 Мактабгача ёшдаги болалар учун. «Сўз кетидан сўз келар» (такрорий). 18.50 «Бугун—Ёш ҳаҳрамон антифашистлар куни». 19.15 «Менга таниш бугу». Телефильм. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ҳар чинордан бир япроқ». Адабий кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлик» ансамблининг концерти. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Ҳаёт мазмуни». Бадиий фильм. 23.55 Янгиликлар.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тили. 18.50 «Бекобод ва бекободликлар». Телефильм. 19.00 Ўқитувчи экрани. 19.30 «Иссиқ темир», «Татар сувенири». Телефильмлар. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Эстетика асослари. Санъат турлари. Хореография.

9 ФЕВРАЛЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Бор эканда, йўқ экан. Саушкин бўлган экан». Мультфильм. 1-серия. 9.55 «Асов Терен». Телевизион бадиий фильм. 11.05 «Саёҳатчилар клуби». 12.05 Концерт. 12.35 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар 15.20 Аэрофлот кунига. Ҳужжатли фильмлар: «Энг аввало вертолётлар». «Учишга рухсат берилади». «Баланд осмон». 16.20 Драматургия ва театр. М. Горький. «Тубанликда». 16.50 А. Дворжак. 8-симфония. Прага филармониясининг оркестри ижро этади. 17.30 «Экономика тежамли бўлиши керак». Л. Я. Карпов номли «Мосмедпрепарат» бирлашмасида ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш тажрибаси ҳақида. 17.45 «Горичлар, қардасиз?».

18.30 В. А. Жуковский. Шеърлар ва балладалар. Шоир туғилган кунининг 200 йиллигига. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Венгрия ёшлар фольклор ансамблининг чиқиши (Венгрия Халқ Республикаси). 19.55 «Бригада пудрати ва тартиб». Мамлакат қурилишларида бригада пудрати методини такомиллаштириш ҳақида. 20.25 «Матвей Блантернинг М. Исаковский шеърларига ёзган қўшиқлари». Фильм-концерт. 21.30 «Время». 22.05 «Ҳужжатли экран». 23.15 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 Жамиятшунослик. 10-синф. КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ҳозирги босқичда партиянинг иқтисодий сиёсати. 10.05 ва 14.00 Немис тили. 11.05 М. Глинка. «Вальс-фантазия». 11.35 ва 12.40 Тарих. 9-синф. В. И. Ленин— Октябрь доҳийси. 12.05 «Ота-оналар, Сизлар учун». 13.10 Табиатшунослик. 3-синф. Шимол табиати. 13.30 Умумий биология. 10-синф. Мутациялар. 14.30 «Эркин мавзуда инша». СССР халқ ўқитувчиси, Озарбайжон ССР Еврлах районидаги Халдан ўрта мактаб директори З. Г. Шоюбов ҳақида телевизион очерк. 15.00 «Сенинг ленинча кутубхонанг». «Оз бўлсину, соз бўлсин». 15.30 «Ой «тоши»ни деб». Илмий-оммабоп фильм. 15.40 А. С. Пушкин театри. 2-кўрсатув. 16.25 Янгиликлар. 18.30 Янгиликлар. 18.50 Даю-до кураши бўйича Халқаро турнир. Тбилисидан олиб кўрсатилади. 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 РСФСР халқ артисти Э. Хиль ижросида М. Глинка романслари. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 21.00 «Тбилиси кўҳна кварталларининг янги ҳаёти». Тбилисидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Китнинг тишини қандай қилиб суғуриб олиш мумкин». Телевизион бадиий фильм. (ЧССР).

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Митя ва Маша қувноқ карнайчи ва «Олтин қўллар» устаси ҳақида эртак». Телеспектакль (рус.). 13.00 «Ҳаёт мазмуни». Бадиий фильм.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Бодрик». «Хурпайган чумчуқ». Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун «Юлдузча». 19.00 «КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 й.) Пленуми қарорлари— ҳаётга». «Халқ истеъмоли молларига— юқори сифат». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Назм ва наво». Навоий лирикаси. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Назм ва наво». Навоий лирикаси (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Кино оламида». 23.25 Янгиликлар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бирлашманинг кенса ходими, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, бўлим мудири

Илёс Одилович АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Киров районидаги 5-стоматология поликлиникаси коллективи врач-ортопед

Талъат Ҳокимуродович МАҚСУМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») -орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — ГСП Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42; нашриёт диспетчери—32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

8 ФЕВРАЛЬ, 1983 й. Р—07068. Газета Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690.